



Ислом Нури

Мухаммад ибн Сулаймон ат-Тамимий
Абу Закариё ал-маданий таржимаси

Бисмиллахир Рохманир Рохийм

Маълуминг бўлсинки-Аллоҳ сени ўз раҳматига олсин- бизга тўрт масалани билиш вожибдир;

Биринчи: Илм. У Аллоҳни танимоклик, пайгамбарини танимоклик ва ислом динини далиллар билан билиш.

Иккинчи: Ўша илмга амал килмок.

Учинчи: Ўша илмга (бошқаларни) чакирмок.

Тўртинчи: Ўша илмга чакириш йўлида етган озорлар-га сабр килмок.

Бунга далил Аллоҳ таълонинг ушбу сўзи: «*Рахмон ва Рахим зотнинг номи билан (ўқийман), Асрга қасамки, (барча) инсон зиёндадир. Бундан мустаснодир иймон келтирганлар, яхши амаллар килганлар, бир-бирларига ҳак (йўл)ни тавсия этганлар ва бир-бирларига (мана шу ҳак йўлида етган озорларга) сабр килишни тавсия этганлар*».

Шофеъий -ул зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин- айтди: «Аллоҳ, бандаларининг устига хужжат килиб факат шу сурани туширганида эди уларга кифоя килган бўлар эди».

Бухорий -ул зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин- деди: «сўзламок ва амал килмокдан аввал билмоклик хакидаги боб». Бунга далил Аллоҳнинг ушбу сўзи: «*(Эй Мухаммад) Аллоҳдан ўзга ҳак маъбуд йўқ*



эканлигини билгин ва гунохингга истиғфор (кечирим) сўра».

Аллоҳ юкоридаги оятда сўз ва амалдан олдин илмни зикр килиш билан бошлади.

Аллоҳ сени ўз раҳматига олсин; хар бир муслим ва муслимага куйидаги уч масалани билмоклик ва уларга амал килмоклик вожиб эканлигини-билгин.

Биринчи: Аллоҳ бизни яратди ва ризқлантирди, бизни бехуда ташлаб қўймади. Балки, бизларга пайгамбарни юборди, ким унга итоат килса жаннатга киради ва ким унга осийлик килса дўзахга киради. Бунга далил Аллоҳ таолонинг ушбу сўзи: «**Биз сизларга элчини устларингиздан гувоҳ килиб юбордик. Шунингдек биз Фиръавнга хам элчи юборган эдик. Фиръавн элчига осийлик килгач биз уни каттиқ (азоб билан) ушладик**» (Муззаммил :15-16)

Иккинчи: Аллоҳ ибодатда ўзи билан бирга бирорта нарсани шерик бўлишига рози бўлмайди. (У шерик) ўзининг хузуридаги якин фаришта ёки ўзи томонидан юборилган пайгамбар бўлса хам. Бунинг далили: «**Албатта, саждагоҳлар (масжидлар ёки сажда килинадиган аъзолар) Аллоҳ учундир. Бас, Аллоҳ билан бирга бирон нарсага дуо (ибодат) килманглар!**» (Жин: 18).

Учинчи: Албатта пайгамбарга итоат килган ва Аллоҳни (ибодатда) яккалаган кимсага, Аллоҳ ва Росулига душманлик килган кишинигарчи у энг якин кишиси бўлсада- дўст тутмоги мумкин эмас. Бунинг далили: «**Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирадиган кавмнинг, Аллоҳ ва унинг пайгамбарига душманлик килаётган**



кишиларп билан - гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўгиллари ёки ака-укалари ёки кариндошлари бўлсаларда - дўстлашаётганликларини топмайсиз. (Аллоҳ) Ана ўшаларнинг калбларига шимонни битиб қўйгандир ва уларни ўз тарафидан бўлган рух-ёрдам билан кувватлантиргандир. Уларни осталаридан анхорлар окиб турадиган, улар мангу коладиган жсаннатларга киритур. Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар хам Аллоҳдан рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг хизбидир. Огоҳ бўлингиз, албаттАллоҳнинг хизбигина најсот тонгувчилардир!» (Мужодала:22).

Аллоҳ сени ўзининг тоатига муваффак килсин албатта ханифийя Иброҳим алайхиссаломнинг миллати- динни ёлгиз Аллоҳнинг ўзигагина холис килиб ибодат килмоклигинг эканлигини билгин. Аллоҳ инсонларнинг барчасини шунга буюрган ва уларни ана шунинг учун яратган. Бу борада Аллоҳ таъоло деди: «**Жинлар ва инсларни факат ўзимгагина ибодат килмоклари учун яратдим**»(«Менга ибодат килмоклари учун» деган сўзнинг маъноси: мени (ибодатларида) яккалаликлари учун (ёки мендан ўзгаларни қўйиб ёлгиз ўзимга сигинишлари учун).

Аллоҳ буюрган энг буюк нарса тавхиддир. У Аллоҳни ибодатда яккаламок (ва унга бирор нарсани шерик килмаслик)дир. Аллоҳ ундан кайтарган энг буюк нарса ширкдир. У Аллоҳ билан бирга бошкасига ибодат килиш. Бунга далил: «**Аллоҳга ибодат килинглар, ва Унга бирор нарсани шерик килмаглар**».

Агар сенга инсон учун уларни билмоклиги зарур бўлган уч асос (пойдевор) нима дейилса? Банда роббисини, динини ва пайгамбари Мухаммад саллоллоҳу алайхи ва салламни билишлик, деб айтгил.



Агар сенга роббинг ким деб айтилса? Айтгинки: менинг роббим Аллох, У мени ва бутун оламларни ўз неъматлари билан тарбият килгандир. Хамда Ул менинг маъбудим, мен учун Ундан ўзга маъбуд йўқ. Бунга далил: «**Барча хамду-сано бутун оламлар тарбияткунандаси Аллох учундир.**».

Аллохдан бошқа бутун борлик оламдир, мен хам ўшал оламнинг бириман.

Агар сенга роббингни нима билан танидинг дейилса? Унинг кўйган аломатлари ва махлукотлари билан танидим деб жавоб кил. Кеча ва кундуз, Куёш ва Ой унинг аломатларидандир. Етти кат осмон ва етти кат ер хамда улардаги ва уларнинг ораларидағи нарсалар Аллохнинг махлукотларидандир. Буларнинг далили Аллох таолонинг ушбу сўзлари: «**Кеча ва кундуз, Куёш ва ой у(Аллох)нинг аломат-далилларидандир. Куёш ва ойга сажда килманглар, уларни яратган Аллохга сажда килинглар агар сизлар унга ибодат киладиган бўлсанглар.**».

Ва Аллох таоло деди: «**Албатта парвардигорингиз Аллох шундай зотдирки, осмонлар ва ерни олти кунда яратди, сўнгра аршга кўтарилди. У кечани кундузга ўрап кеча кундузни шошилиб кувиб юрап. (У) Куёш, ой ва юлдузларни ўз амрига бўйсндириб (яратди). Огох бўлингизким, яратиш ва амр этиш унгагина хосдир. Барча оламлар парвардигори Аллох буюкдир**» (Аъроф:54).

Роб-парвардигор маъбуд деганидир. Бунинг далили ушбуудир: Аллох таоло деди: «**Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан олдин ўтганларни яратган роббингизга ибодат килинглар, шоядки**



унинг жазосидан сакланарсизлар. Ул зотки сизларга Ерни кароргоҳ, осмонни том килиб кўйди ва осмондан сувни тушириб у билан сизларга ризқ килиб меваларни чикарди. Билиб туриб Аллоҳга ўхшаш(шерик)ларни килманглар»
(Бакара:21-22).

Ибн Касир -Аллоҳ ул зотни раҳм килсин- деди: шу нарсаларни яратгувчи зотгина ибодатга хаклидир.

Аллоҳ таъоло буюрган ибодатларнинг турлари: ислом, иймон ва эхсон кабилар. Дуо, қўркув, умид, таваккул, (савобни) умид килиш ва (азобдан) қўркмок, хокисорлик, тавба килиш, мадад сўраш, курбонлик ва назр килиш ва булардан бошка Аллоҳ буюрган ибодатларнинг барчаси Аллоҳ таъолога хосдир. Бунга далил: «**Масжидлар Аллоҳ учундир, Аллоҳ билан бирга бирор нарсага ибодат килманглар**» (Жин:18).

Бу ибодатлардан бирортасини Аллоҳдан бошкасига килган кимса мушрик ва кофир бўлади. Бунга далил: «**Кимки Аллоҳ билан бирга бошка илоҳга -унинг хакикатда маъбуд эканига далилсиз- унга ибодат килса, унинг хисоби парвардигорининг хузуридадир. Албатта кофирлар најсот топмаслар**» (Муъминун:117).

Хадисда: «дую ибодатнинг ўзгинаси» дейилган. Бунга далил:
«Парвардигорингиз деди: Менга дую килинглар, дуоларингни ижобат киламан. Менга ибодат килишдан кибр килган (бош тортган) кимсалар тезда жаханнамга хорланиб-тахкирланиб кирадилар» (Гофири:60).

Кўркувнинг далили: «**Агар мўъмин бўлсанглар улардан**



кўркмасдан мендандан кўркинглар» (Ол Имрон:175).

Умиднинг далили: «**Бас, ким парвардигорига рўбарў бўлишини (жсаннатда унинг юзига карашни) умид килса, яхши амал килсин ва парвардигорининг ибодатида бирор нарсани шерик килмасин»** (Кахф:110).

Тавкулнинг далили: «**Агар мўмин бўлсангизлар Аллохнинг ўзигагина таваккул килинглар»** (Моида:23).

«Ким Аллохга таваккул килса, Аллохнинг ўзи унга кифоядир» (Талок:3).

Рагбат (Аллохнинг савобини хохлаш), раҳбат (Аллохнинг жазосидан кўркиш) ва хушу (хокисорлик)нинг далили: Аллоҳ таъоло деди:
«Албатта улар (пайғамбарлар) яхши амалларни килишга шошилар ва бизга рагбат ва раҳбат билан дуо килар эдилар»

Хошя (бу хам кўркув маъносида бирок бунинг маъноси чукуррок)нинг далили: «**Улардан кўркманглар мендан кўркинглар»** (Моида:3).

Инобат(тавба килиш ва кайтиш)нинг далили: «**Парвардигорингизга кайтинглар ва унга таслим бўлинглар (бўйсунинглар)**» (Зумар:4).

Истиона (мадад сўраш)нинг далили: «**Сенгагина ибодат киламиз ва Сендангина мадад сўраймиз**» (Фотиха:5).

Хадисда айтилган: «мадад сўрамокчи бўлсанг Аллоҳдан сўра».

Истивоза (паноҳ сўраш)нинг далили: «**(Эй Мухаммад саллаллоҳу**



алайхи ва саллам) айтинг: тонгнинг парвардигоридан панох сўрайман» (Фалак:1) ва Аллохнинг сўзи «**(Эй Мухаммад) инсонларнинг парвардигоридан панох сўрайман деб айтинг»** (Ан-нос:1).

Истигоса (ёрдам-куткарув сўраш)нинг далили:
«Парвардигорларингиздан ёрдам сўраганингизда сизларга ёрдам берганини (эсланглар)» (Анфол:9).

Курбонликнинг далили: «**Айтинг (эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам): Албатта менинг намозим, курбонлигим, хаётим ва мамотим бутун Оламларнинг парвардигори Аллоҳ учундир. Унинг биронта шериги йўқ**» (Анъом:162-163).

Суннатдан далил: Росулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллоҳдан ўзгага курбонлик килган кимсани Аллоҳ лаънатлади».

Назр (атамок)нинг далили: «**Улар (ўз зиммаларига олган) назрларини тўла адo килурлар ва ёмонлик-дахшатлари кенг ёйилгувчи бўлган кун (киёмат)дан қўркурлар**». (Инсон:7).

Иккинчи асос:

Ислом динини далиллари билан билиш. Яъни Аллохга тавхид ила таслим бўлиш. Аллохга (буюрган ва кайтарган ишларида) итоат килиш ва ширкни ва ахли ширкни тарк килишдир. Ислом дини уч даражадан иборат: ислом, иймон ва эхсон. Хар бир даража ўз асосига эга.

Биринчи даражса ислом.

Исломнинг беш асоси бор:



1- Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ ва Мухаммад Аллоҳнинг росули деб гувоҳлик бериш. (шаҳодат калимасини айтмок).

2- Намозни адо этмок.

3- Закотни бермок.

4- Рамазон ойи рўзасини тутмок.

5- Байтуллоҳга хаж килмок.

Шаҳодат калимасининг далили: «**Аллоҳ, фаришталар ва илм ахллариadolat билан хукм килувчи ёлгиз Аллоҳдан ўзга биронта (хак) маъбуд йўқ, факат унинг ўзи ҳаклигига гувоҳлик бердилар. Хеч кандай (хак) тангри йўқ, факат унинг ўзи бор. У Азиз , Ҳаким зотдир**». (Оли Имрон:18).

Шаҳодатнинг маъноси ёлгиз Аллоҳдан ўзга биронта хак маъбуд йўқ. «ла илаха» (хеч кандай илоҳ йўқ) Аллоҳдан ўзга сигинилаётган барча нарсаларни инкор килиш, «иллаллоҳ» (факат Аллоҳ бор) ибодатга лойик Аллоҳнинг ёлгиз ўзи деб исбот килиш. Аллоҳнинг мулкида шериги бўлмагани каби, унинг ибодатида хам шериги йўқ. Куйидаги оят калимайи шаҳодатни равшанлаштириб берадиган тафсиридир. «**Эсланг (эй Мухаммад) Иброҳим (алаихис-салом) отаси ва қавмига (каратса шундай) деган эди: «Албатта мен сизлар ибодат килаётган бутлардан покдирман. Зоро мени яратган зотгагина (ибодат киласман). Албатта У мени тўғри йўлга хидоят киласди**». (Зухруф:26-27). «**Айтинг (эй Мухаммад саллаллоҳу алаихи ва саллам) : «Эй ахли китоб (яъни яхуд ва насоролар) бизга хам, сизга хам баб-баробар бўлган бир сўзга**



келингиз- ёлгиз Аллохгагина ибодат килалиқ, Унга хеч нарсани шерик килмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга илоҳ килиб олмайлик. Агар улар (ахли китоблар бу даъватдан) юз ўғирсалар, у холда сизлар (эй мўминлар) : «гувоҳ бўлинглар, биз мусулмонлар-ягона Аллоҳга итоат килувчилар-миз», деб айтингиз! (Оли Имрон:64).

«Мухаммадан росулуллоҳ» шаходатининг далили: «(Эй инсонлар) сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат машаккат чекишингиздан кийналувчи, сизларнинг (тўгри йўл-хак динга келишингизга) ҳарис бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон пайгамбар келди» (Тавба:128).

«Мухаммадан росулуллоҳ» шаходатининг маъноси: пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга буюрган нарсаларида итоат килиш, гайб хакида берган хабарларини тасдиклаш, кайтариб-ман килган нарсаларидан четланиш ва Аллоҳга пайгамбаримизнинг шариатида келганидек ибодат килиш.

Намоз ва закотнинг далили ва тавхиднинг тафсири Аллоҳнинг ушбу сўзиҳидир: «Холбуки улар факат ягона Аллоҳга, У зот учун динни холис , тўгри йўлдан оғмаган холларида ибодат килишга ва намозни тўқис адo этишга хамда закотни (хакдорларга) адo этишга буюрилган эдилар. Мана шу (улар буюрилган нарсалар) тўгри диндир (яъни ислом дини шудир). (Баййина: 5).

Рўзанинг далили: «Эй мўминлар ,такволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз килингани каби сизларга хам санокли кунларда рўза тутиш фарз килинди».
(Бакара:183).



Хажнинг далили: «*Йўлга кодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун батуллоҳни хајс-зиёрат килиш фарздири. Кимда-ким коғир бўлса (яъни хајс килишга моддий, соглик ва тинчлик томонларидан кодир бўла туриб хајс килмаса) Аллоҳ бутун оламлардан бехожат бўлган зотдири*» (Оли Имрон:97).

Иккинчи даражса иймон.

У етмишдан ортиқрок кисмлардан иборат бўлиб, энг олийси «ла илаха иллаллоҳ» ни атиш, энг куйи кисми эса йўлдан озор (берадиган нарса)ни олиб ташлаш, хаё-иффат хам иймоннинг бир кисмидир. Унинг асослари олтита: 1-Аллоҳга , 2- фаришталарига, 3- (муқаддас) китобларига, 4- пайғамбарларига, 5- охират кунига, 6- тақдирнинг яхшию-ёмонига ишонмоклигинг. Ушбу олти асоснинг далили: - «*Юзларингизни Машриқ ва Магриб томонларига бураверишингиж яхшилик эмас, балки яхшилик Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга ва пайғамбарларга иймон келтирган кишилардир*» (Бакара:177).

Тақдирнинг далили: «*Биз хар бир нарсани қадар (ўлчов) билан яратдик*» (Камар:49).

Учинчи даражса эҳсон.

Унинг асоси битта. Аллоҳга, уни кўриб турганингдек, агар сен уни кўрмаётган бўлсанг, у сени кўриб турганидек ибодат килмоклигинг. Бунинг далили: «*Аллоҳ тақвадор бўлган ва чиройли амаллар килгувчи зотлар билан биргадир*» (Нахл:128).

« *(Эй Мухаммад), сизни турган пайтингизда хам, намоз*



**ўкувчилар ичида бўлганингизда хам кўриб турадиган
Кудратли ва Раҳмли зотга таваккул килинг. Албатта У зот
эшигучи ва билгучидир» (Шуаро:217-220).**

**«(Эй Мухаммад), сиз кандай иш (билан) машгул бўлманг ва у
(иш) хакида Куръондан бирон оят ўқиманг, (эй инсонлар),
сизлар кандай амални килманглар, ўша ишларга киришган
пайтингизда, албатта Биз сизларнинг устингизда гувоҳ
бўлурмиз» (Юнус:61).**

Бу уч даражанинг суннатдан далили Жаброил алайхис-саломнинг машхур хадисидир: «Умар -розияллоҳу анҳу- айтади: Биз Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурида ўтирган эдик, тӯсатдан кийимлари оппок, сочи тим кора, афтидан мусофирига ўҳшамайдиган ва бизга номаълум бўлган бир киши кириб келди. Юриб келиб Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдилариiga чўккалаb ўтириди. Икки тиззасини У зотнинг тиззалирига жипслаштириди ва икки кафтини сонлари устига кўйди. Ва деди: Эй Мухаммад менга ислом хакида хабар беринг. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: Аллоҳдан ўзга хак худо йўклигига ва Мухаммад Аллоҳнинг расули эканлигига гувоҳлик бермоклигинг. Намозни тўла барпо килмоклигинг. Закотни адо этмоклигинг. Рамазон ойи рўзасини тутмоклигинг. Йўлга кодир бўлсанг Байтуллоҳга хаж-зиёрат килмоклигинг. Тўгри айтдингиз деди. Унинг сўзидан ажабландик, аввал сўради кейин эса тўгри айтдингиз деб тасдиклаб кўйди. (Ёт киши) деди: Менга иймон хакида хабар беринг. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: Аллоҳга, унинг фаришталарига, пайгамбарларига ва охират кунига иймон келтирмоклигинг хамда такдирнинг яхшию ёмонига иймон келтирмоклигинг. Тўгри айтдингиз деди. Менга эхсон хакида хабар беринг деди. Аллоҳга уни кўриб



турганингдек, агар сен уни кўрмаётган бўлсанг, у сени кўриб турганидек ибодат килмоклигинг дедилар. Менга киёмат хабарини беринг деди. Киёмат хакида сўралаётган киши сўровчидан билувчирок эмас дедилар. (Яъни: буни мен хам, сен хам билмаймиз). Ундаи бўлса унинг аломатларидан хабар беринг деди: Чўри ўз хожасини тугмоклиги, яланг оёк, камбагал кўйчувонларнинг (бир-биридан баланд, гўзал) уйларни куришда баслашаётганларини кўрмоклигинг дедилар.

Умар айтади: (номаълум киши) кетди, биз эса бироз тин олиб ўтирилик. Шунда Росууллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам эй Умар бу сўроклаб келган ким биласизми деб сўрадилар? Аллоҳ ва Росули билувчирок дедим. Бу Жаброил сизларга динингиз ишларини ўргатиш учун келди дедилар».

Учинчи асос: Пайгамбарингиз Мухаммад саллаллоҳу алайхи ва салламни танимоклигингиз.

Ул зот Мухаммад ибн Абдулло ибн Абдулмуттолиб ибн Хошим, Хошим Курайшдан, Курайш араблардан, араблар эса Исмоил ибн Иброҳим Халилуллоҳнинг зурриётидан -Унга ва пайгамбаримизга салот ва саломнинг афзали бўлсин.

Пайгамбаримиз олтмиш уч (камарий хисоб билан) йил умр кўрганлар. Бундан кирк йили пайгамбарликдан аввал, йигирма уч йили эса пайгамбарлик ва (Аллоҳ томонидан инсонларга) элчилик билан кечган. «Икраъ» («ўкинг» ояти нозил бўлиши) билан Набий бўлдилар. «Муддасир» оятлари нозил бўлиши билан Росул бўлдилар. Тугулиб ўсган юртлари Маккадир, Мадинага эса хижрат килганлар.



Аллох ул зотни ширк ибодатлари (кечирилмас гунох эканлиги)дан огохлантириш ва тавхид(ёлгиз Аллохгагина ибодат килиш)га чакириш билан юборди. Бунинг далили: «**1-2. Эй ўраниб ётгувчи, туринг-да (инсонларни ширкнинг окибати дўзах азобида абадий колишлик ва улар Аллохнинг ўзигагина ибодат килишлари керак эканлигидан) огохлантиринг! 3. Ёлгиз парвардигорингиз-ни улугланг! 4. Либосларингизни покланг! 5. Бутлардан йирок бўлинг! 6. Кўпроқ килиб кайтаришини умид килиб бирорвга эхсон килманг! 7. Ёлгиз парвардигорингиз учун (даъват асносида етган озорларга) сабр килинг»** (Муддассир:1-7). Туриңг-да огохлантиринг! дегенининг маъноси: Ширкнинг окибати ёмонлигидан огохлантиради ва ёлгиз Аллохга ибодат килишга даъват килади. Ёлгиз парвардигорингизни улугланг! яъни: Унинг ўзига ибодат килиш билан. Либосларингизни покланг! яъни: Амалларингизни ширкдан покланг. Бутлардан йирок бўлинг! Яъни: Бутлардан ва бутларга сигинадиганлардан йирок бўлинг.

Ўн йил давомида инсонларни тавхидга даъват килдилар. Бундан кейин ул зотни Самога олиб чикилди. Ул зотга (ва умматига) беш вакт намоз фарз килинди. Маккада уч йил намоз ўқидилар. Сўнгра Мадинага хижрат килишга буюрилдилар. Хижрат; ширк амаллари килинадиган юртдан исломга амал килинадиган юртга кўчиб ўтиш демакдир. Хижрат килиш Мухаммад саллаллоҳу алайхи ва салламнинг умматига фарз, унга амал килиш киёмат кунига кадар давом этади. Хижратнинг куръондаги далили: «**Албатта Мусулмонлар билан бирга хижрат килмасдан кофирлар кўл остида яшашига рози бўлиш билан ўзларига зулм килган киимсаларнинг жонларини олиш чогида фаришталар уларга: «Кандай холда яшадингиз?» - деганларида. «Биз бу ерда ночор бечоралар эдик», дейдилар. (Шунда фаришталар): «Хижрат килсанглар Аллохнинг ери**



кенг эди-ку?! (Нега динларингизни саклаб колиш учун бу юртдан хижрат килмадинглар?)» -дейишади. Бундайларнинг жойлари жсаҳаннамдир. Кандай хунук окибат у! 98-99. Факат бирон чора топишга кодир бўлмай, хижрат йўлини излаб топа олмай чорасиз колган кишилар, аёллар ва болалар борки, бундайларни Аллоҳ шояд афв этса. Аллоҳ афв этувчи, гуноҳларни кечувчиdir» (Нисо:97-99).

«Эй иймон келтирган бандаларим менинг ерим кенгdir, менгагина ибодат килинглар» (Анкабут:56).

Имом Багавий -роҳматуллоҳи алайхи- айтдилар: бу оятнинг нозил бўлиш сабаби Маккадаги хижрат килмаган мусулмонлар хакидадир. Шунга карамасдан Аллоҳ уларга иймон исми билан хитоб килган.

Хижратга суннатдан далил Росулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг ушбу сўзлариdir: «тавба узилмагунча хижрат хам узилмайди. Тавба эса куёш ўзининг ботадиган томонидан чиккунига кадар узилмайди».

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайхи ва саллам Мадинада ўрнашганларидан сўнг колган ибодатларга буюрилдилар. Бунга мисол: Закот, рўза, хаж, жиход, аzon, амри маъруф ва нахий мункар ва булардан ташкари исломий ибодатлардир.

Шу йўсинда ўн йилни ўтказганларидан кейин вафот этдилар ул зотга Аллоҳнинг солавот ва саломи бўлсин. Бирок у кишининг Аллоҳ томонидан олиб келган дини бокий колди. Мана шу ислом ул зот олиб келган диндир. Хеч бир яхшиликни колдирмасдан умматни унга йўлладилар, бирор ёмонликни колдирмасдан умматни ундан огоҳ



килдилар. Ул зот йўллаган яхшилик тавхид ва Аллоҳ суйиб рози бўладиган барча ишлар ва ул зот огохлантирган ёмонлик ширк ва Аллоҳ суймайдиган хамда хохламайдиган ишлардир.

Аллоҳ ул зотни инсонларнинг хаммасига элчи килиб юборди ва ул зотга итоат килишни инсон ва жинларнинг барчасига фарз килди. Бунга далил: **«(Эй Мухаммад) айтинг: Эй инсонлар мен сизларнинг барчангизга Аллоҳнинг элчисиман»** (Аъроф:158).

Аллоҳ ўз динини бул зотни вафот топтиришдан аввал тўла килди ва бу оятни нозил килди: **«Бугун сизларга динингизни комил (килдим), неъматимни тўла килдим ва сизлар учун Исломни дин килиб танладим»** (Моида:3).

Росулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг вафот килганларига далил: **«(Эй Мухаммад) албатта сиз ўлгувчидирсиз, улар хам ўлгувчидирлар. Сўнгра албатта сизлар парвардигорларингиз хузурида хусуматлашасиз-лар»** (Зумар:30-31).

Инсонлар ўлганларидан кейин яна кайта тириладилар. Бунга далил: **«Сизларни ундан (яъни ердан) яратдик, унга (ерга) кайтарамиз ва яна сизларни ундан иккинчи бор чикарамиз»** (Тоҳа: 55).

«Аллоҳ сизларнинг (отангиз Одамни) ердан ундириб ўстирди (яъни:яратди). Сўнгра вафот (килганларингизда) У зот сизларни яна ерга кайтарур ва (киёмат койим бўлганда) сизларни чикариб олур» (Нуҳ: 17-18).

Инсонлар кайта тирилганларидан сўнг хисоб-китоб килиниб



амаллариға яраша жазо-мукофот оладилар. «**(Аллоҳ) Ёмон ишларни килганларни килмишларига яраша жазолагай ва яхши ишлар килганларни эса жаннат билан мукофотлагай!**» (Нажм: 31).

Кайта тирилишни инкор килган кимса коғир бўлади. Бунинг далили: «**Коғир бўлғанлар (ўлганимиздан сўнг) кайта тирилмаймиз деб даъво килдилар. (Эй Мухаммад), Ёлгиз парвардиоримга касам бўлсин сизлар албатта (кайта) тириласизлар, сўнгра бу дунёда килган амалларингиздан огоҳ этилажаксизлар. Бу иш Аллоҳга осондир- деб айтинг**» (Тагобун:7).

Аллоҳ пайгамбарларнинг хаммаларини (итоат килганларга) жаннат башоратини берувчи, осий бўлғанларни (дўзах азобидан) огохлантирувчи килиб юборди. Бунинг далили: «**Аллоҳ, пайгамбарлардан кейин инсонлар учун Аллоҳга (карши) хужжат бўлиб колмаслиги учун пайгамбарларни башоратчи ва огохлантирувчи килиб юборди**» (Нисо:165).

Уларнинг аввали Нух -алайхис-салом- охиргилари эса Мухаммад - саллалоҳу алайҳи ва салламдир. Уларнинг аввали Нух -алайхис-салом- эканликлариға далил: «**Биз Нух ва ундан кейинги пайгамбарларга вахий килганимиздек сизга хам вахий килдик**» (Нисо: 163).

Аллоҳ таъоло Нухдан токи Мухаммад -саллалоҳу алайҳи ва салламгача ўтган умматларнинг хар бирига уларни Аллоҳнинг ёлгиз ўзига ибодат килишга буюрадиган ва тогутга ибодат килишларидан кайтарадиган элчини юборган. Бунинг далили: «**Биз хар бир (яшаб ўтган) умматга: «Аллоҳга ибодат килинглар ва тогутдан четланинглар» дея буюрадиган элчини юборганмиз**» (Нахл:36).



Аллох таъоло бандалариниг барчасига тогутга кофир бўлишни ва Аллохга иймон келтиришни фарз килган. Ибн Каййим -Аллох раҳмат килсин- деди: «**Тогут** -банданинг ибодатда, эргашишда ва итоат килишда хаддидан ошишлигидир. Шу нуктайи назардан тогутлар бехисобдир. Уларнинг катталари бешдир: 1- Шайтон -лаънатуллохи алайхи-. 2- Бир кимсаки унга ибодат килинади ва у бунга рози бўлади. 3- Инсонларни ўзига ибодат килишга чорлаган кимса. 4- Оз бўлсада гайб илмидан хабардорман деб даъво килган кимса. 5- Аллох нозил килган шариатдан бошкаси (замонавий инсонлар томонидан кўйилган конунлар) билан хукм килган хоким. Тогутларга кофир бўлиш ва Аллохга иймон келтиришнинг далили: «**Динда маъжбурлаш ўйк, тўғри ўйл залолатдан ажраб бўлди. Ким тогутдан юз ўгириб, Аллохга иймон клтирса у хеч ажраб кетмайдиган мустахкам халқани ушлабди**» (Бакара:256). Мана шу «ла илаха иллаллох»нинг маъносидир.

Хадисда айтилишича: «Ишнинг боши Ислом, устуни Намоз ва унинг энг чўккиси Аллох йўлида жиход килиш».

Аллох билувчи рокдир.